

**Махсулот етказиб бериш тўғрисида
ШАРТНОМА №54**

“12_”_август_2022_йил

Бухоро шаҳри

Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона директори **Б.Олтиев** (кейинги ўринларда “БУЮРТМАЧИ” деб юритилади) бир томондан ва **ООО ALFA MEGA STROY DOM** номидан корхона Устави асосида иш юритувчи корхона директори **М.Шаймарданкулов** (кейинги ўринларда “ТАЪМИНОТЧИ” деб юритилади) иккинчи томондан бўлиб куйидаги шартномани туздилар

1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “ТАЪМИНОТЧИ” ушбу шартноманинг 2.1. бандида қайд этилган миқдорда, баҳоларда ва муддатларда “БУЮРТМАЧИ” га етказиб бериш, “БУЮРТМАЧИ” эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1.Шартномада кўрсатилган махсулотларни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

Т/р	Махсулотлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бирлик нархи	Суммаси
1	Машины стиральные бытовые.	дона	2	35000000	70000000
2	Холодильник бытовой.	дона	1	12300000	12300000
3	Холодильник бытовой.	дона	1	8500000	8500000
4	Светостабилизатор. <i>5кв 3-фазный</i>	дона	1	7000000	7000000
6	Машины швейные бытовые.	дона	1	5800000	5800000
	Жами:		6		103600000

2.2. “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан “БУЮРТМАЧИ” га махсулотларни тўлик етказиб берилган кун, “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан махсулот етказиб бериш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилган сана деб ҳисобланади.

2.3.Буюртма қилинган махсулотларни “ТАЪМИНОТЧИ” ўзининг транспортларида “БУЮРТМАЧИ” га етказиб беришни ўз зиммасига олади.

3.МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1.Шартноманинг умумий қиймати **103 600 000_ (Бир юз уч миллион олти юз минг) сўм.**

3.2.Кўрсатилган хизмат ҳақини ҳисоблаш учун тарафлар ўртасида келишувга мувофиқ белгиланади

3.3. “БУЮРТМАЧИ” ва “ТАЪМИНОТЧИ” га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 10 кун муддат ичида махсулот ҳақини олдиндан 30 % и 31 080 000 сўм аванс тўлаб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми махсулот “БУЮРТМАЧИ”га етказиб берилгандан сўнг тўлаб берилади.

3.4.Етказиб бериладиган махсулотлар баҳоси ўзгарган тақдирда юкланадиган кундаги баҳо асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.5.Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «ТАЪМИНОТЧИ»нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Маҳсулотни сифатли ва шартномада белгиланган муддатларда бажариш;

4.2.2. Маҳсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда “БУЮРТМАЧИ” га ўз вақтида топшириш;

4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни пулини қайтариб бериш.

4.1.3. Маҳсулотлар сифати “БУЮРТМАЧИ” га мос келмаганда, бу ҳақида хабар берилгач, 3 (уч) банк кун ичида маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш.

4.2. “ТАЪМИНОТЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1 Ушбу шартномага асосан тўлиқ етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш.

4.2.2. “БУЮРТМАЧИ”нинг розилигини олган ҳолда маҳсулотни муддатидан олдин етказиб бериш.

4.3. “БУЮРТМАЧИ” нинг мажбуриятлари:

4.3.1. Топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда маҳсулотни миқдори, сифати ва бутунлиги бўйича қабул қилиб олиш;

4.3.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш куни ичида бу ҳақда “ТАЪМИНОТЧИ”ни хабардор қилиш;

4.3.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш.

4.4. “БУЮРТМАЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга

4.4.1. “ТАЪМИНОТЧИ” дан маҳсулотларни сифати ва шартномада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

4.4.2. Етказиб берилган маҳсулотлар аниқланган камчилик ва нуқсонларни унинг талабига кўра сифатлисига алмаштириб беришни талаб қилиш.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан етказиб бериладиган маҳсулотларни сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ,ТУ) талабига жавоб бериши лозим ва бу ҳақида “БУЮРТМАЧИ”га маҳсулот сертификатидан нусха берилади.

5.2. Маҳсулотлар миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш амалдаги П,П-7 йўриқномалар асосида маҳсулотни қабул қилиб олиш жойида (ТАЪМИНОТЧИ нинг тайёр маҳсулотлари омборида) амалга оширилади. (Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Маҳсулотларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган хар бир кунга 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори асосий қарзни 50 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2.Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномвий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкӣ жавобгар бўладилар.

7.ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга кирази ва 2022 йил 31 декабрга кадар амалда бўлади.

7.2.Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фукаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1.Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида хал қилиб бўлмаган барча низолар Фарғона туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

10.ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”	“ТАЪМИНОТЧИ”
Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи _ Бухоро шаҳри Абай кучаси 61 уй Тел 998 65 228 10 58 Х/Р 100021860064017101205344001 Марказий банк Тошкент ш МФО 00014 ИНН 201512037	ООО ALFA MEGA STROY DOM Манзили: УЗБЕКИСТАН, Бухарская область, Бухара, Jo'ybor Тел: 941203303 Факс: 941203303 СТИР: 307956656 Ҳисобрақам: 20208000505311990001 Банк: БУХОРО Ш., "КАПИТАЛБАНК" АТ БАНКИНИНГ БУХОРО ФИЛИАЛИ МФО: 01082.
Рахбар  М.У	Директор  М.У.



Хукукий Хулоса

(Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг 20-21 моддалари тартибида)

«12» август 2022 йил

9 сонли

Бухоро . ш

Мен Хукуқшунос А.Раджабов Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи директори Б.Олтиев ва ООО “Alfa mega stroy dom” рахбари М.Шаймарданкуловлар ўртасидаги 2022 йил 12 август 54-сонли тузилаётган шартномани Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувоффиқ хукукий экспертиза ўтказганимда аниқладим:

Мазкур шартнома буйича узига олаётган мажбуриятларни бажариши Уз.Р.нинг «Хужалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги Конунининг 21-моддасига мувоффиқ белгиланган. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар буйича жавобгар бўла олади.

Шартномада томонлар жавобгарлиги ҳамда тўлов тартиблари белгиланган, юридик манзиллар тўғри кўрсатилган.

Кўшимча шартлар ва шартномани хукукий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ килиб белгиланган.

Тарафларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили ва ҳисоб рақамлари тўғри ҳамда конуний эканлиги текшириб кўрилди.

Юқоридагиларга асосан мазкур шартномани Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўз.Р.«Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги Конуни талабларига жавоб беради ва тақдим қилинган тартибда имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

Хукуқшунос :



А.Раджабов